«DORI–DARMON» акциядорлик компанияси
Акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
1 – СОН БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Тошкент шаҳар **2026 йил 17 июль**

Умумий йиғилишни ўтказиш жойи: **«DORI–DARMON» акциядорлик компанияси Бош офиси, Чорсу майдони, 21.**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Компаниянинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони – **23 072 000 дона.**

АК «DORI–DARMON» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) Компания Кузатув кенгаши томонидан 2026 йил 19 июнда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана – **2026 йил 13 июль.**

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 58-моддаси ҳамда Компания Уставига мувофиқ, Кузатув кенгаши раиси ёки у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади. Шунга кўра, ушбу йиғилишда Кузатув кенгаши раиси Абуталиев Фархад Фарадеевич йиғилишда раислик қилди.

Ф.Ф.Абуталиев акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, Йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси раиси С.Ф.Кимсанбоевга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

Марказий Депозитарий томонидан 2026 йил 13 июль ҳолатига берилган «DORI–DARMON» акциядорлик компанияси акциядорлар реестрига мувофиқ, овоз беришда 3 415 та акциядорга тегишли 23 072 000 дона овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 19 978 809 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 26 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **86,59%** ни ташкил этади.

Шундан кейин, Раислик қилувчи Ф.Ф.Абуталиев умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб, Абдуллев Мирюсуф Хумоюн ўғлини сайлашни таклиф қилди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш котиби этиб, Абдуллев Мирюсуф Хумоюн ўғли тасдиқлансин.

Йиғилишда раислик қилувчи Йиғилиш Кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИДАН КЎЧИРМА:

.....

12. Жамият амалдаги Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш.

13. Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги 12-масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили Ж.Синдаров Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2026 йил 19 июндаги 02/9.2-17/524-сонли хати ҳамда «SKY HILL» МЧЖ ҚКнинг 2026 йил 04 июндаги мурожаатини мажлис иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

Мазкур мурожаатларда амалдаги Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳамда таклиф этилган янги номзодларни Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш масалалари баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддасига асосан Компания Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини маълум қилинди.

Мазкур Қонуннинг 111-моддасида давлат акциядор сифатида бошқа акциядорлар билан бир қаторда ушбу Қонунда белгиланган тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши белгиланганлигини инобатга олиб, Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш таклиф этилди.

Мазкур масала мажлис иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

Овозга қўйилган масала:

1. «DORI–DARMON» акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши барча аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин.

Овоз бериш натижалари:
РОЗИ – 19 976 366 та овоз, 99,988%, қабул қилинди;
ҚАРШИ – 0 та овоз;
БЕТАРАФ – 2 443 та овоз, 0,012%.

Кун тартибидаги 13-масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили Ж.Синдаров Компания акциядорларидан Компания Кузатув кенгаши таркибига таклиф этилган номзодларни ўқиб эшиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

№	Кузатув кенгаши аъзолигига Номзодлар	Иш жойи ва лавозими
1	Фозилкаримов Отабек Рустамович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
2	Мухамедов Шерзод Дилмуратович	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари
3	Икрамов Музраф Муборакходжаевич	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари
4	Усмонов Бекзод Шавкат ўғли	"Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш" АЖ директори
5	Софаров Шуҳрат Уралович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи
6	Ахматов Давранбек Журайевич	«SKY HILL» МЧЖ ҚК

7	Мустафаев Зафар Бўрибоевич	«Uzbek Leasing International» АЖ Бош директори.

№	Кузатув кенгаши мустақил аъзолигига Номзод	Иш жойи ва лавозими
1	Расулова Дилфуза Валиевна	Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби профессори, мустақил аъзо сифатида

Шундан сўнг, йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-370-сонли Қонунининг 76-моддасига мувофиқ, Компания кузатув кенгашининг аъзолари 3 йил муддатга сайланиши эслатиб ўтилди.

Йиғилиш раиси акциядорларга Компания Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда кумулятив овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

№	Ф.И.Ш.	Овозлар сони	Ҳолат тури
1	Фозилкаримов Отабек Рустамович	24 170 892 та овоз	**Сайланди**
2	Мухамедов Шерзод Дилмуратович	24 195 489 та овоз	**Сайланди**
3	Икрамов Музраф Муборакходжаевич	24 195 489 та овоз	**Сайланди**
4	Усмонов Бекзод Шавкат ўғли	24 170 891 та овоз	**Сайланди**
5	Софаров Шуҳрат Уралович	24 170 891 та овоз	**Сайланди**
6	Ахматов Давранбек Журайевич	15 135 238 та овоз	**Сайланди**
7	Мустафаев Зафар Бўрибоевич	3 812 773 та овоз	**Сайланди**

№	Ф.И.Ш.	Овозлар сони	Ҳолат тури
1	Расулова Дилфуза Валиевна	17 556 204 та овоз	**Сайланди**

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг, Йиғилиш раиси Ф.Ф.Абуталиев бюллетенлар бўйича овоз бериб, саноқ комиссиясига топширишни сўради.

Овозлар санаб чиқилганидан сўнг, саноқ комиссияси раиси С.Ф.Кимсанбоев овоз бериш натижаларини эълон қилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари эълон қилинганидан сўнг, овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинди.

Акциядорлар умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:

1. «DORI–DARMON» акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши барча аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича:

1. Компания Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда 3 йил муддатга сайлансин:

- Фозилкаримов Отабек Рустамович;
- Мухамедов Шерзод Дилмуратович;
- Икрамов Музраф Муборакходжаевич;
- Усмонов Бекзод Шавкат ўғли;
- Софаров Шуҳрат Уралович;
- Ахматов Давранбек Журайевич;
- Мустафаев Зафар Бўрибоевич;
- Расулова Дилфуза Валиевна.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Ф.Ф.Абуталиев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Котиб _____ **М.Х. Абдуллев**